

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ЯНГИЕР  
ФИЛИАЛИНИНГ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ИСТИҚБОЛДА ҚАНДАЙ  
ИШ ЎРИНЛАРИ ЗАРУР.**

**Тошкент амалий фанлар университети талабаси  
Аманов Абдувоҳид Эгамқул ўғли**

**Аннотация:** Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалининг талабалари учун кимёвий технологиялар соҳасидаги иш ўринлари, иш беручи ва кадрлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари, шунингдек, меҳнат бозорида кимё-технология соҳасини ривожлантириш учун таклиф ва хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт, кимёвий технологиялар, меҳнат бозори, кадрлар, меҳнат муносабатлари, иш ўринлари.

**Аннотация:** Приведены предложения и выводы для студентов Янгиерского филиала Ташкентского химико-технологического института, трудоустройства в сфере химических технологий, трудовых отношений между работодателем и персоналом, а также развития области химической технологии в сфере рынок труда.

**Ключевые слова:** экономика, химические технологии, рынок труда, персонал, трудовые отношения, рабочие места.

**Annotation:** Proposals and conclusions are given for the students of the Yangier branch of the Tashkent Institute of Chemical Technology, employment in the field of chemical technologies, labor relations between the employer and personnel, as well as the development of the field of chemical technology in the labor market.

**Key words:** economy, chemical technologies, labor market, personnel, labor relations, jobs.

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиётида кимё-технология ривожлантириш, улар фаолиятига инновацион жараёнларни татбиқ этиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарини модернизация қилиш, ҳамда самарали усуллари қўллаш иқтисодий тараққиётнинг асосий воситаларидан бирига



айланмоқда. Миллий иқтисодийни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш соҳаларидан бири кимё-технология соҳаси ҳисобланади. Кимё-технология соҳасининг ривожланиши мамлакатимизда экспорт-импорт операциялари жадал ривожланиши, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш шунингдек, янги иш ўринларини яратиш ва истиқболда муносиб кадрлар тайёрлаш зарур.

**Долзарблиги.** Сирдарё вилояти доимий аҳолини сони 879 минг кишини ташкил қилади шундан 23,244 киши туғилиш ва 4,173 киши ўлим кўрсаткичини ташкил қилади яъни туғулиш ўлимдан 4 баробар кўп<sup>1</sup>. Сирдарё вилояти аҳолиси ўсиб бораётган вилоятлардан ҳисобланади. Сирдарё вилоятининг охириги 5 йиллик макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилсак барча иқтисодий кўрсаткичлари ўсган. Асосан саноат маҳсулоти ва қишлоқ, ўрмон, балиқ хўжалиги кўрсаткичлар сезиларли даражада ўсган. (1-жадвал)<sup>2</sup>.

### 1-жадвал

#### Сирдарё вилоятининг макроиқтисодий кўрсаткичлар (2017-2021 йил)

Макроиқтисодий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 у.	2018 у.	2019 у.	2020 у.	2021-у.
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд.сўм	6,799.6	8,594.2	11,949.2	12,928.3	15,583.1
	ўсиш суръати,%	95.5	103.4	109.5	101.8	110.2
Саноат маҳсулоти	млрд.сўм	3,806.5	5,163.1	7,293.0	7,990.9	9,813.3
	ўсиш суръати,%	94.2	104.2	103.2	100.9	118.5
Истеъмол товарлари	млрд.сўм	1,516.6	1,895.2	2,840.3	2,812.3	3,718.9
	ўсиш суръати,%	96.6	104.4	101.8	86.3	118.3
Қишлоқ,ўрмон, балиқ хўжалиги	млрд.сўм	5,490.0	6,183.7	7,984.8	8,709.5	10,512.0
	ўсиш суръати,%	92.9	97.5	107.9	101.6	104.4

<sup>1</sup> <https://demografiya.uz/>

<sup>2</sup>Сирдарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.



Асосий капиталга инвестиция	млрд.сўм	1,628.0	2,699.3	5,869.1	7,191.9	8,051.8
	ўсиш суръати,%	115.4	131.0	186.0	111.2	107.7
Қурулиш ишлари	млрд.сўм	552.4	1,001.1	1,926.2	2,407.6	2,708.8
	ўсиш суръати,%	99.8	149.0	158.2	110.2	109.9
Чакана савдо товар айланмаси	млрд.сўм	1,836.8	2,295.5	2,872.6	3,584.0	2,016.9
	ўсиш суръати,%	101.0	104.5	110.4	100.4	109.3
Хизматлар	млрд.сўм	1,603.8	2,031.4	2,726.8	3,303.0	4,183.1
	ўсиш суръати,%	107.7	112.1	121.5	110.7	118.8
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ \$	289.2	291.4	570.8	612.7	667.2
	ўсиш суръати,%	114.7	100.8	195.9	107.3	108.9
Экспорт	млн. АҚШ \$	144.6	119.1	131.8	179.7	233.9
	ўсиш суръати,%	126.9	82.4	110.7	136.4	130.2
Импорт	млн. АҚШ \$	144.6	172.3	439.0	433.0	433.2
	ўсиш суръати,%	104.6	119.2	254.8	98.6	100.0
Салдо	млн. АҚШ \$	0.0	-53.2	-307.2	-253.3	-199.3
	ўсиш суръати,%	x	x	x	x	x

Экспорт ҳажми оз миқдорда ўсиш ҳолати кузатилган аммо импорт ҳажми сезиларли даражада ўсган. Сирдарё вилоятида кимё саноати ва қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, маҳсулот етиштириш салоҳиятини янада ошириш ва иқтисодийнинг базавий тармоқларида олий маълумотли кадрлар тайёрлашни кенгайтириш мақсадида Сирдарё вилоятида Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалининг ташкил этилиши кимё-технология соҳасининг ривожланишининг биринчи қадамидир.



Сирдарё вилоятида Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалнинг асосий вазифалари қуйдагилар ҳисобланади:<sup>3</sup>

-худудда кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ҳамда технологик тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича амалий кўникмаларни эгаллаган малакали кадрларни тайёрлаш;

-кимёвий технологиялар соҳасининг тегишли йўналишлари бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, корхоналарнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган инновацион тадқиқотларни фаол ривожлантириш;

-ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига малакали мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларида республика ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш;

-республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Филиалнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш;

-филиалнинг минтақа ва халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш мақсадида чет эл фуқаролари учун таълим олиш имкониятини кенгайтириш ва илғор халқаро тажрибани татбиқ қилиш ва вебинар таълим усуллари жорий этиш ва ривожлантириш.

Ҳозирда Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалида 2725 нафар талаба мавжуд. Талабалар 9 та йўналиш бўйича кундузги ва сиртки таълимда таҳсил олишмоқда. Кимёвий технологиялар соҳасининг тегишли йўналишлари бўйича малакали кадрларни тайёрлашда қандай иш ўринлари зарур? Истиқболда иш ўрни ва кадрлар мутоносиблиги қандай?

## Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалининг талабалар сони ва йўналишлари 2-жадвал<sup>4</sup>

<sup>3</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 09.07.2019 йилдаги 573-сонли қарори.

<sup>4</sup> Жадвал Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Йўналишлар номи	1-курс	2-курс	3-курс	4-курс	Сиртқи	Жами талабалар сони
Озиқ-овқат технологияси (ёғъ-мой маҳсулотлари)	99	64	74		253	<b>490</b>
Менежмент (Саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)	19				30	<b>49</b>
Консервация технологияси	35	35	28		214	<b>312</b>
Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)	37	54	59	27		<b>177</b>
Кимёвий технология (ноорганик моддалар)	77	61	64	61	371	<b>634</b>
Кимёвий технология (қурилиш материаллар)	84	70	48	41		<b>243</b>
Технологик машиналар ва жиҳозлар (кимё саноати)	130	82	79	54	331	<b>676</b>
Нефт-газкимё саноати технологияси	26				39	<b>65</b>
Электр энергетикаси (Ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)	30				49	<b>79</b>
<b>Жами:</b>	<b>537</b>	<b>366</b>	<b>352</b>	<b>183</b>	<b>1287</b>	

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалининг талабалар сони ва йўналишлари йилдан йилга кўпаймоқда. 2022-2023- йилда квоталар сони 1000 та етган. Енг юқори талабалар сони Технологик машиналар ва жиҳозлар (кимё саноати) йўналиши бўйича 676 та, Кимёвий технология (ноорганик моддалар) йўналишида 634 та, Озиқ-овқат технологияси (ёғъ-мой маҳсулотлари) йўналишида 490 талаба таҳсил олмақда шунингдек, энг кам талабалар менежмент (Саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) йўналишида таҳсил олишади. Истиқболда меҳнат бозори мувозанати яъни талаб ва тақлиф мутонасиблиги муносиб бўлиши лозим албатта.





2022-2023 ўқув йилида кимё-технология институти Янгиер филиали бакалавр кундузги таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши<sup>5</sup>.



**1-расм:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.06.2022 йилдаги Ф-60-сонли фармойиши асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кимё-технология институти Янгиер филиалида 2026-йилда давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларининг таълим йўналишлари бўйича битирувчи талабалар мавжуд бўлади. Ушбу битирувчилар учун муносиб иш ўринлари ҳамда ойлик иш ҳақи юқори корхоналар зарур. Биринчи меҳнат бозорига кириб келган талабалар меҳнат бозорида иш ўрни топиш муаммолардан биридир. Чунки унда малака жихатдан камчиликлар мавжуд ва тажриба бўлмайти шунигдек, иш топишда муаммолар мавжуд бўлади. Бу муаммоларни ҳал қилишнинг қандай йўллари мавжуд яъни истиқболда бу касб эгалари кўпайиши ёки камайиши меҳнат бозоридаги ҳолати билиш зарур.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.06.2022 йилдаги Ф-60-сонли фармойиши.



**Сирдарё вилоётида ва Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалида олиб борилаётган амалдаги ислохатлар.** Сирдарё вилоятининг Ховос туманида Туркиянинг “Сengiz Enerji” компанияси томонидан қурилган, қуввати 220 МВт бўлган янги газ-поршенли иссиқлик электр стансияси бугун, 20 ноябрь куни соат 10:22да Ўзбекистоннинг ягона электр тармоғига қувват узатишни бошлади. Мазкур электр станция йилига 1,7 млрд кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Станцияда ўрнатилган қурилмаларнинг фойдали иш коэффициенти юқорилиги ҳисобига йилига 150 млн метр куб табиий газ тежалади. Тежалган табиий газ билан қўшимча 685 млн кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилади. Аҳамиятлиси, станция қурилиши давомида 700 нафаргача, ишга тушгандан кейин эса 100 нафар янги иш ўрни яратилди.

Энергетика вазирлиги Сирдарёда барпо этилаётган янги ИЕС учун Япониядан олиб келинаётган энг замонавий ва йирик газ турбиналари юртимизга кириб келди. Сирдарё вилоятида Саудиянинг “ACWA Power” компанияси томонидан қуввати 1500 МВт бўлган замонавий иссиқлик электр стансияси барпо этилмоқда. Унда “Мицубиши” компаниясининг дунёдаги энг замонавий ва энг энергия тежамкор технологиялари ҳамда газ турбиналари ўрнатилмоқда. Мазкур станция учун Япониядан олиб келинаётган йирик энергоқурилмалар юртимизга кириб келди. Ушбу қурилмалар айни кунда Хоразм вилоятидан Сирдарёга олиб келинмоқда. Станция йилига 12 млрд кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Унда энг замонавий, энергия тежамкор технологиялар жорий этилиши ҳисобига йилига 1,1 млрд куб метр табиий газ тежалади. Станция 2023-йил якунига қадар ишга туширилади. Станция қурилиши давомида 2000 нафаргача, ишга тушгандан кейин эса 120 нафар янги иш ўрни яратилади.

Ҳозирда Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалида ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари бўйича вилоятларда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Ушбу шартномада талабаларнинг амалёт ўташ ҳам киритилган ва ушбу амалётда синовдан ўтган талабаларнинг ишга қабул қилиш тизими ишга туширилган. Бундан ташқари нуфузли чет ел олий талим муассасалари билан илмий-тадқиқот алоқалари ўрнатиш борасида қилинган ишлар режалаштирилган:



-Жанубий Корейнинг Чемисал Енгинеринг илмий текшириш институти билан илмий мавзуларда ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, лойҳа бўйича ҳар икки ойда онлайн вибенар ўтказилиб борилмоқда ва талабадарнинг салоҳиятини оширмоқда.

-Хитой халқ республикаси Шандонг фанлар академиясига пандемия шароити яхшиланиши билан делегация бўлиб боориш ва ҳамкорликда бажарилувчи илмий тадқиқот ишларини келишиб олиш режалаштирилган.

-Хитой халқ республикаси Жинан шаҳридаги “Қилу технологик Университети” ва Тианжин шаҳридаги “Тианжин фан ва технологиялар Университети” билан илмий мавзуларда илмий ишлар бажарилмоқда ва ҳамкорликда мақола чоп этиш ишлари давом еттирилмоқда, шунингдек келажакда ТКТИЙФ талабаларини магистратурага юбориш режалаштирилган. Шандонг фанлар академиясига пандемия шароити яхшиланиши билан делегация бўлиб бориш ва ҳамкорликда бажарилувчи илмий тадқиқот ишларини келишиб олиш режалаштирилган.

-Арканзас Университети билан ТКТИЙФнинг 5 нафар профессор-ўқитувчиларини инглиз тилидан малакасини ошириш борасида келишиб олинди ва молиялаштириш маласалсида Американинг Ўзбекистондаги консуллиги орқали грант топширишга қарор қилинди (УС Стате Департамент анд was a УниСЕН грант администеред бй Америсан Соунсилс).

Хозирги кунда инновацион ривожланиш вазирлиги, Армо групп хусусий компанияси билан ҳамкорликда “Маҳаллий хом-ашёлардан калий нитрати олиш” мавзусида тижоратлаштириш лойиҳаси устида ишлар олиб борилмоқда.

**Хулоса.** Бугунги кунда Сирдарё вилоятида иқтисодий саноат зоналари кенгаймоқда. Бу иқтисодиёт ва кимё-технология соҳасини ривожланмоқда шунингдек меҳнат бозорида ишсизлик муаммоси ҳам камаймоқда. Сирдарё вилоятида мақсадли давлат дастурлари, стратегиялар ва концепциялар, иқтисодиётни ривожланишига шунингдек Кимё-технология институти Янгиер филиалида истиқболда салоҳиятли кадрлар мавжуд бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. DEMOGRAFIYA MILLIY PORTALI <https://demografiya.uz/>.
2. Сирдарё вилояти статистика бошқармаси <https://sirstat.uz/uz/>.





3. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиалининг website <https://tktiyf.uz/>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.06.2022 йилдаги Ф-60-сонли фармойиши.

